

## ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИДА ШАРҚ РЕНЕССАНСИ ДАВРИ АЛЛОМАЛАРИНИНГ ИЛМИЙ-ФАЛСАФИЙ МЕРОСИННИГ ЎРНИ



<https://doi.org/10.24412/2181-1784-2022-23-180-192>

**Мухтаров Уткиржон Муталибжанович**

Андижон давлат университетининг Педагогика институти

Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

E-mail: [utkirjon.84@mail.ru](mailto:utkirjon.84@mail.ru)

### АННОТАЦИЯ

*Фалсафий таълимнинг ривожи инсоният тараққиёти билан узвий боғлиқ жараёнидир. Фалсафий таълимни янада ривожлантиришида жамиятимиз тараққиётига муносиб хисса қўшган Шарқ мутафаккирлари, хусусан, ислом олами алломаларини илмий-фалсафий меросини ҳар томонлама ўрганишига алоҳида эътибор берииш долзарб аҳамиятга эга.*

Бунинг учун биринчи галда ҳаққоний ёритилган тадқиқотлар, янги авлод дарсликлари, китоблар, дастур қўлланмалар яратиш зарур. Чунки совет тузуми даврида ҳалқимизнинг ислом дини билан боғлиқ ижтимоий-фалсафий меросига барҳам берилди, унга қарши сунъий равишда, муайян тарихий шартшароитларни писанд қилмаган ҳолда материалистик ҳамда атеистик тенденциялар тавсия этилди, бошқача фикрловчи тадқиқотчилар эса буржууча қарашибдаги кишилар сифатида қораландилар.

Ўзбекистонлик олимларнинг тадқиқот ишларида асл манбалар асосида Форобий, Ибн Рушд, Ибн Бажжаса, Ибн Сино, Абу Ҳомид Газзолий сингари шарқ мутафаккирларининг фалсафий қарашиблари анча батафсил ўрганилган.

А. Л. Казибердиев, С. Серебряков, Азкул Карим, Албер Насрий каби шарқшунослар ушибу файласуфларнинг рисолаларини таржима этиши, ҳар бир тушунчага алоҳида шарҳ берииш устида жиiddий илмий ишлар олиб бориб, улар асарларининг таржима лугатини ҳам тузганлар.

Шу боис ушибу мақолада Шарқ ренессанси даври алломаларининг илмий фалсафий меросини ўрганишига доир қарашиблари тахлил қилинган бўлиб, Янги Ўзбекистон тараққиётида фалсафий таълимни ривожлантиришдаги аҳамияти ёритиб берилган.

**Калит сўзлар:** Шарқ ренессанси, Шарқ перипатетизми, фалсафа, Шарқ ва Гарб фалсафаси, фалсафий таълим, фалсафий тафаккур, илмий-фалсафий мерос.

## LEARNING SCIENTIFIC-PHILOSOPHICAL HERITAGE OF THE SCIENTISTS OF ORIENTAL RENAISSANCE PERIOD ON DEVELOPING PHILOSOPHICAL EDUCATION IN NEW UZBEKISTAN

Mukhtarov Utkirjon Mutalibjanovich  
Andijan State University Pedagogical Institute  
Doctor of Philosophy in Philosophical sciences  
E-mail: [utkirjon.84@mail.ru](mailto:utkirjon.84@mail.ru)

### ABSTRACT

*The development of philosophical education is the process which depends on the progress of humanity. On development of philosophical education, great scientists who contribute to development of our society, especially, it is very necessary to pay attention for learning scientific-philosophical heritage of the thinkers of Islamic world.*

*So that, firstly it is very necessary to create real researches, manuals of new generation, books, programme manuals. Because in Soviet Union period the social philosophical heritage of our nation which belonged to Islam was abolished, against it artificially, materialistic and atheistic tendencies were recommended while define historical background was ignored, the researchers who thought differently were abused as the people were bourgeoisie.*

*On researches of Uzbek scientists the philosophical view of Oriental Scientists such as: Forobi, Ibn Rushd, Avicenna, Abu Hamid Ghazzali was investigated certainly.*

*A.L.Kaziberdiev, S.Serebryakov, Azgul Karim, Alber Nasri were the orientalists who made the translation dictionaries of great scientists and had serious researches. They paid great attention to every notion and to translate brochure of great philosophers.*

*Thus, in this article, the views of learning scientific-philosophical heritage of Orient Renaissance period were analyzed, in New Uzbekistan the importance of developing philosophical education was illuminated in this article.*

**Keywords:** *The Renaissance of Orient, the peripateticism of Orient, philosophy, the philosophy of East and West, philosophical education, philosophical thought, scientific-philosophical heritage.*

### АННОТАЦИЯ

*Развитие философского обучения процесс, который неразрывно связан с*

развитием человечества. В развитии философского обучения имеет важное значение всестороннее изучение научно-философского наследия великих учёных исламской религии и восточных мыслителей, которые внесли большой вклад в развитие общества.

Для этого, в первую очередь, надо создать учебников нового поколения, книг, учебных пособий и правдиво освещенных исследований. Потому что во времена советской системы управления было уничтожено социально-философское наследие народа, которые связано с исламской религией, против него в искусственном виде были рекомендованы материалистические и атеистический тенденции, не обращая внимания на определённо-исторические условия, а исследователи, которые мыслят по-другому были обсуждены как люди буржуазных взглядов.

В исследовательских трудах узбекских учёных на основе оригинальных источников были изучены досконально философские взгляды восточных мыслителей как Абу Хамид Газзалий, Авиценна, Фараби, Ибн Рушд и др.

Известные востоковеды А.Л.Казыбердиев, С.Серебряков, Азкул Карим, Албер Насри перевели их труды, брошюры, обосновали каждое понятие и составили словарный вариант их трудов.

В связи с этим в данной статье были анализированы тенденции, направленные на изучение научно-философского наследия мыслителей эпохи Восточного ренессанса, и освещена важность этих тенденций в развитии философского обучения в новом Узбекистане.

**Ключевые слова:** Восточный ренессанс, Восточный перипатетизм, философия, Восточное и Западное философия, философское образование, философские мышление, научно-философское наследие.

## КИРИШ

Бугунги кунда Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган таълим соҳасидаги ислоҳотларнинг асл моҳияти – миллий қадриятларнинг устуворлигини таъминлаш эмас, балки, жаҳон илм-фани ҳамда таълим тизими соҳасида эришилган улкан ютуқлар ва миллий ўзликни юксалтириш асосида, янги давр ривожланиш тараққиётини асослаб берадиган таълим тизимини яратишдан иборат. Бу борада, фалсафани ўқитиш ва ёшларда фалсафий тафаккурни юксалтириш муаммосини янгича парадигмалар асосида ҳал этиш зарурати юзага келади. Шу боис, асрлар давомида жаҳон фалсафаси, хусусан миллий фалсафий қадриятлар асосида ёшларда фалсафий мушоҳада, тафаккур этиш қўникмаларини шакллантиришни

узлуксиз таълим тизимиға киритиш, назаримизда, миллий менталитетимизнинг миллий ғоя асосида янада юксалтиришга хизмат қилади. Бугунги кунда фалсафий таълимни ривожлантиришда Шарқ алломаларининг фундаментал асарларини илмий ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Шу маънода Президент Ш.М.Мирзиёев “Фундаментал тадқиқотларни янада ривожлантириш масаласи бироз эътиборимиздан четда қолгани бугун яққол намоён бўлмоқда. Чунки фундаментал тадқиқотлар жадал ривожланаётган мамлакатлар иқтисодий тараққиёт бўйича бошқа давлатлардан сезиларли равишда илгарилаб бораётганини қўриб турибмиз. Дунёда илм-фан соҳасидаги ютуқлар айнан фундаментал тадқиқотлар йўналишида қўлга киритилгани тасодифий эмас. Шунинг учун эндиликда фундаментал фанларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, соҳани иқтидорли ёш кадрлар билан таъминлаш давлатимизнинг муҳим вазифаларидан бири сифатида кун тартибига қўйилмоқда” [1.171] деб таъкидлайди.

Шу нуқтаи-назардан қараганда фалсафий тафаккур тарзи ўз мазмуни ва таъсири этиш кучига кўра, жамият аъзоларини бир-бирига қарма-қарши тарафларга бўлиб юбориши, ёки бирлаштириши, давлатнинг дунёдаги мавқеи ва обрўйини ошириши ёки тушириши, халқларни тараққиётга чиқиши ёхуд таназзулга юз тутиши мумкин.

Умуман олганда фалсафага кучли эҳтиёж вужудга келишининг бир қатор сабаблари бор. Жаҳондаги барча мамлакатлар ҳаётининг барча жабҳаларини қамраб олаётган глобаллашув ва интеграллашув жараёни бу сабаблар орасида биринчиси ва асосийсидир. Зеро глобаллашув шароитида кенг фалсафий мушоҳадасиз турли мамлакатлар орасида диалоглар олиб бориш, улар орасида вужудга келадиган конфликтларни ечиш йўлларини излаб топиш мумкин эмас.

Фундаментал фанлар тараққиётида амалга ошган жиддий ўзгаришлар фалсафага кучли эҳтиёжни вужудга келтирган иккинчи фактор бу бўлди. Зеро, илгари физика, физиология, руҳшунослик, умуман, фанларнинг барча асосий соҳалари ўз тадқиқотларида фалсафадан мустақил иш олиб борган бўлса, эндиликда уни четлаб ўтиш мумкин бўлмай қолди. Бу даставвал квант механикаси, умумий нисбийлик назарияси, нейрофизиология ва бошқа соҳаларда, улар дуч келган мураккаб ва серқирра муаммоларни фаннинг тор мутахассислик доирасида ечиш мумкин эмаслиги, кенг фалсафий уфқлар майдонида фикрлаш тақозо этила бошлаганидаёқ кузатилган эди. Шу икки факторнинг ўзиёқ бундан буён ҳеч қандай билим ва фаолият теран фалсафий

маданиятнинг ўрнини боса олмаслигини кўрсатди. Зеро, асл ҳикмат сифатидаги фалсафа инсоннинг оламга, табиатга, борлиққа бевосита муносабатини, мавжудлик усулини ифодаловчи маънавий қадриятдир.

Шунинг учун, фалсафий таълимни янада ривожлантиришда жамиятимиз тараққиётига муносиб хисса қўшган Шарқ мутафаккирлари, хусусан, ислом олами алломаларини илмий-фалсафий меросини ҳар томонлама ўрганишга алоҳида эътибор бериш долзарб аҳамиятга эга.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев “Дунёда илм-фан соҳасидаги ютуқлар айнан фундаментал тадқиқотлар йўналишида қўлга киритилгани тасодифий эмас. Шунинг учун эндилиқда фундаментал фанларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, соҳани иқтидорли ёш кадрлар билан таъминлаш давлатимизнинг муҳим вазифаларидан бири сифатида кун тартибига қўйилмоқда” [2.239]. Бунинг учун биринчи галда ҳаққоний ёритилган тадқиқотлар, янги авлод дарсликлари, китоблар, дастур қўлланмалар яратиш зарур. Чунки совет тузуми даврида ҳалқимизнинг ислом дини билан боғлиқ ижтимоий-фалсафий меросига барҳам берилди, унга қарши сунъий равишда, муайян тарихий шартшароитларни писанд қилмаган ҳолда материалистик ҳамда атеистик тенденциялар тавсия этилди, бошқача фикрловчи тадқиқотчилар эса буржууча қарашдаги кишилар сифатида қораландилар.

Шунинг учун ҳам ана шу даврда олиб борилган Шарқ ренессанси даври алломаларининг илмий-фалсафий меросини ўрганиш борасидаги тадқиқотларда асосан материализм рухи устуворлик қилиб, тарихий ҳақиқатлар бузиб кўрсатилди. Шу маънода тарихий адолатни тиклаш, алломаларимизни жаҳон илмий-фалсафий билимлар ривожига кўрсатган таъсирини холисона ўрганиш давр талабидир.

Бу борада Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг қуйидаги фикрлари ўринлидир: “Аждодларимиз тафаккури ва даҳоси билан яратилган энг қадимги тошёзув ва битиклар, халқ оғзаки ижоди намуналаридан тортиб, бугунги кунда кутубхоналаримиз хазинасида сақланаётган минг-минглаб қўлёзмалар, уларда мужассамлашган тарих, адабиёт, санъат, сиёsat, ахлоқ, фалсафа, тиббиёт, математика, минералогия, кимё, астрономия, меъморчилик, дәхқончилик ва бошқа соҳаларга оид қимматбаҳо асарлар бизнинг буюк маънавий бойлигимиздир. Бунчалик катта меросга эга бўлган халқ дунёда камдан-кам топилади”[3.30]. Аждодларимиз томонидан қолдирилган юксак маънавий меросни ҳар томонлама тадқиқ қилиш Янги Ўзбекистон тараққиётида фалсафий таълимни ривожлантиришнинг муҳим омили бўлиб хизмат қиласади.

Шунингдек, мазкур мақолада кўтарилган масалаларнинг муҳимлиги 2017 йил 23 июнь куни Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ўзбекистондаги Ислом маданияти марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида белгиланганидек, “Марказ таркибидаги кутубхона ва архив, қўлёзмалар фондларини бугунги Ўзбекистон заминидан етишиб чиқсан буюк аллома ва мутафаккирлар, азиз-авлиёлар, улар томонидан асос солинган илмий ва диний мактабларга доир юртимида ва чет элларда сақланаётган қадимий қўлёзма ва тошбосма китоблар, тарихий далил ва ҳужжатлар, археологик топилмалар, осори-атиқалар, шу йўналишдаги замонавий илмий-тадқиқот ишлари, китоб ва тўпламлар, видео ва фото ҳужжатлар ҳисобидан шакллантириш, ислом дини ривожига улкан ҳисса қўшган буюк ватандошларимиз – Имом Бухорий, Имом Термизий, Ҳаким Термизий, Абу Мансур Мотурудий, Абу Муин Насафий, Қаффол Шоший, Абдулхолиқ Фиждувоний, Нажмиддин Кубро, Бурҳониддин Марғиноний, Баҳоуддин Нақшбанд, Хўжа Ахрор Валий каби алломаларнинг беназир меросини илмий асосда чуқур тадқиқ этиш, уларнинг илмий-маънавий жасорати, улуғ инсоний фазилатларини кенг тарғиб қилиш” каби вазифаларни ҳал этишда устувор аҳамият касб этади[9].

## АДАБИЁТЛАР ТАХЛИЛИ ВА МЕТОДЛАР

Янги Ўзбекистон тараққиётида фалсафий таълимни ривожлантиришда Шарқ ренессанси даври алломаларининг илмий-фалсафий меросини ўрганиш учун хориж, хусусан, Ғарб олимлари томонидан бу йўналишда эришилган ютуқлар, бой тажриба билан танишмасдан туриб, маълум бир натижага эришиш қийин.

Хозирги давр цивилизацияси инсоният тарихий тараққиёти даражасини ва ислом динида илмий билимлар ривожини аниqlаш мезонларини қайта баҳолашни тақозо қилмоқда. Шу талабга асосан, Томас П.Флинт, Майкл К.Рей, Али Акбар Вилайати, Ардакани Ризо Довари, Бернс, Биринджкар Рида, Вундт В., Ольденберг Г., Гольд, Лимэн Оливвер, А.Корбен, Сеййид Хусейн Наср, М.Мутаххари, А.Р.Убудийят, Читтик Уильям ва бошқа шу каби олимларнинг асарларида бу масалага алоҳида эътибор қаратилган [5]. Шунингдек, жуда кўплаб минтақаларда айни шу йўналишда илмий фаолият олиб борувчи марказлар ҳам кенг йўлга қўйилган. Жумладан, Англияning Бирмингем шаҳрида Ислом ва Ўрта Шарқ тадқиқотлари маркази ташкил этилган бўлиб, ушбу марказ Ислом дини фалсафий асосларини ўрганишга ихтисослашган.

Ушбу марказ Англиядаги Бирмингем университетининг “Фалсафа ва диншунослик бўлими”да жойлашган бўлиб, мазкур марказда Шарқ қўлёзмалари бўлими ҳам мавжуд. Бу ерда Ислом динининг муқаддас китоби Куръони Каримнинг энг қадимги қўлёзмаси сақланади. Қўлёзманинг ёшини билиш учун Оксфорд лабораториясида радиоуглерод усули ёрдамида тадқиқ қилган олимлар қўлёзма 568-645 йиллар орасида ёзилганини аниқлашга эришганлар. Бу эса Куръоннинг қўлёзма шаклида ёзилган энг қадимий нусхаларидан бири шу давргача яхши сақланиб қолганлигидан далолат беради. Ушбу марказда илмий тадқиқотлар олиб боришга асосланган магистратура йўналиши очилган бўлиб, мазкур йўналишда илмий тадқиқот олиб боришни хоҳловчи тадқиқотчилар учун етарлича имкониятлар яратилган. Ушбу ўкув дастурларида ислом билимларини ўрганиш ҳамда тадқиқ этиш билан бирга ислом тарихи ва фалсафий таълимотлар чуқур ўрганилиб борилади. Бу борада ўрта аср Шарқ алломаларининг фалсафий таълимотлари Ғарб илм-фани тараққиётiga ўзининг ижобий таъсирини ўтказганини сезиш мумкин. [11. 91]

Шунингдек, X-XI асрларда Шарқ фалсафасининг шаклланиши бевосита қадимги дунё фалсафаси, аввало Арасту ва Афлотуннинг ижтимоий-фалсафий қарашлари таъсирида юз берган. Шунинг учун ҳам фалсафий адабиётларда “Шарқ перипатетизми” терминига алоҳида эътибор қаратилади. Шарқ перипатетизми вакиллари қаторига Ибн Сино, Абу Наср Форобий, Абу Райхон Беруний, Ибн Туфайл ва Ибн Рушд каби файласуфларни киритиш мумкин. Айнан шу буюк файласуфлар томонидан ёзиб қолдирган асарлари орқали ўрта асрларда Ғарб фалсафий тафаккури ўзининг ривожланиш даврини бошлиган. Ушбу далиллардан келиб чиқиб, Шарқ ва Ғарб фалсафаси илдизлари бир экан деган хулоса чиқариб бўлмайди. Чунки Шарқда ҳам, Европада ҳам фалсафий таълимотлар ўзининг тушунчалар олами, муаммоларни таҳлил қилиш, уларни ечиш усувларини топишдаги фалсафий тафаккурнинг бутун бир жиҳати ҳамда хусусиятлари бир-бирларидан жиддий фарқ қилган. Бу эса кўпроқ Шарқ фалсафаси вакилларига Ғарб фалсафий қарашларини танқидий ўрганишга имкон берган.

Ўзбекистонлик олимларнинг тадқиқот ишларида асл манбалар асосида Форобий, Ибн Рушд, Ибн Сино, Абу Ҳомид Ғаззолий сингари шарқ мутаффакирларининг фалсафий қарашлари анча батафсил ўрганилган. Ўзбек файласуфлари ва бошқа бир қатор тадқиқотчилар буюк алломаларнинг фалсафий билимлар тараққиёти тарихига муносиб ҳисса қўшганликларини асосли ёритиб берганлар[6]. Бизнинг назаримизда ўтмиш аждодлар

қарашларини шунчаки тақрорлаш билан жамият ҳаётида, кишилар онгига содир бўлаётган эврилишларга мувофиқ келувчи фалсафий таълимни ривожлантириб бўлмайди. Бунинг учун жаҳон фасафасидаги янгиланишлардан хабардор бўлиш ва мустақил фикрлаш ҳамда маълум бир ёндашувга алоҳида эътибор бериш талаб этилади.

А. Л. Казибердиев, С. Серебряков, Азкул Карим, Албер Насрий каби шарқшунослар ушбу файласуфларнинг рисолаларини таржима этиш, ҳар бир тушунчага алоҳида шарҳ бериш устида жиддий илмий ишлар олиб бориб, улар асарларининг таржима луғатини ҳам тузганлар. Айни пайтда, Шарқ ренессанси даври алломаларининг илмий-фалсафий меросини ўрганиш бағрикенглик ғоялари нуқтаи-назаридан янги илмий далиллар орқали аниқлаш ҳамда кўрсатиб беришда, З.Мунавваров, А.Ҳасанов, М.Имомназаров, З.М.Ҳуснидинов, Р.М.Баҳодировларнинг илмий тадқиқотларини кўрсатиб ўтиш ҳам мақсадга мувофиқдир[7]. Лекин, ҳозиргача Ўзбекистон, Россия, Фарб олимлари, файласуфларининг Шарқ ренессанси даври алломаларининг илмий-фалсафий меросини ўрганиш бўйича амалга оширган ишларини яхлит бир ҳолда маҳсус таҳлил этмаганлар.

## НАТИЖАЛАР

Жамият ҳаётида фалсафий, диний, дунёвий таълимотлар, ғоялар уйғун бўлиб, бир-бирини бойитиб, тўлдириб борсагина маълум бир натижаларга, ҳаттоқи, буюк қашфиётларга эришиш мумкинлигини IX — XII асрда Шарқ мамлакатларидан етишиб чиққан алломалар фаолияти ва илмий меросида кузатиш мумкин. Ҳар бир давр мафкураси фалсафий, диний ҳамда дунёвий илдизлар асосига қурилади. Лекин фалсафий, диний ва дунёвий илдизлардан қайси бири «зўрайиб» кетса, қолганларини ҳам ўз измига, ғояларига бўйсундиришга уринади. Бу эса турли ихтилофларга ва салбий оқибатларга олиб келади. Шу ўринда қайд этиш керакки, мустақилликкача бўлган даврдаги мазкур соҳага оид тадқиқотларда жамиятдаги ҳукмрон мафкуранинг ҳар қандай соҳада у, ё бу даражада акс эттириш нуқтаи назари мавжуд бўлгани ҳеч кимга сир эмас. Ўша даврда олиб борилган айрим тадқиқотлар бирёқлама, даҳрийлик хусусиятига эга бўлганлиги маълум. Шунинг учун мақолада мазкур манбаларга илмий, танқидий нуқтаи назардан мурожаат қилинди. Таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, Шарқ уйғониш даври алломалари қолдирган илмий-фалсафий мерос ўзининг бой, сермазмун ғоялари билан нафақат мамлакатимиз илм-фан

тараққиёти, балки жаҳон фанига кўрсатган таъсири, дунё олимларида кўп асрдан буён катта қизиқиш уйғотиб келмоқда.

## МУҲОКАМА

Араб-ислом давлатларида ислом дини фалсафасини ўрганиш, уни тадқиқ қилишда улкан ишлар амалга оширилган ва оширилмоқда. Масалан, Миср Араб Республикаси Қоҳира университетининг ислом фалсафаси факультети ҳар йили ислом фалсафасининг турли долзарб муаммоларига бағишилаб халқаро анжуманлар ўтказади ва анжуман материаллари мунтазам равишда тўплам ҳолида чоп этилади. Ислом фалсафасидаги муҳим тадқиқот асарлардан бири ҳисобланган М.Фахрийнинг «Ислом фалсафаси тарихи» асари 1983 йили Насрулло Пур Жаводий таржимасида Техронда форс тилида нашр этилган. Ислом фалсафасига доир илмий тадқиқотлар Туркия Республикасида ҳам амалга оширилган бўлиб, улар орасида профессорлар М.Байракдар ва И.Абдулҳамиларнинг монографиялари алоҳида ўринга эга [8].

Мазкур тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатадики, фалсафий таълим тушуниш қийин бўлган билимлардан иборат соҳа эмаслигини айнан ислом файласуф олимлари ўзларининг нафақат илмий қарашлари орқали балки амалий фаолиятлари асосида ҳам исботлашга ҳаракат қилганлар. Шунинг учун ҳам буюк ватандошимиз Абу Наср Фаробий X-асрда фалсафага қуидагича таъриф берган эди: “Мавжудот ҳақидаги билим қўлга киритилса, шу ҳақда таълим берилса, мавжудотдан бўлган нарсанинг зоти билинса, нарсанинг маъноси тушунилса, ишончли далил-ҳужжатлар асосида шу нарса ҳақида мияда бир турли ишонч ва тасаввур пайдо бўлса, мана шу маълумотга доир фанни фалсафа деймиз”[4.183-184].

Форобий ўзининг “Ал-ҳуруф” (Ҳарфлар) асарида: “Агар дин барча умумий жиҳатлари билан такомиллашадиган фалсафага итоат этса, унда у ҳақ ва тўғридир. Аммо агар дин тўғри таҳлилий фалсафа ҳали шаклланмай, балки ҳалқ тафаккури, ғояси бўлган риторика (балоғат санъати, сўзамоллик), диалектика (бахс) ва софистика (ҳар қандай восита билан бўлса ҳам рақибни сўзда лол қолдириш) билан банд бўлган даврда пайдо бўлса, бундай фалсафага бўйсунган дин ҳам ёлғон ва хатолардан холи бўлмайди. Кўп ҳолларда у бошидан охиригача нотўғри бўлиб чиқади. Фалсафа динга нисбатан ҳам бирламчи мавқега эга, чунки фалсафа – мағз, дин – пўстлок, аниқроғи – фалсафанинг қуролидир” [10.32] деб таъкидлаб ўтади.

Шунингдек, Ибн Сино фикрига кўра, барча фалсафий илмлар икки қисмга бўлинади: назарий ва амалий. Бунда назарий қисмнинг мақсади – ҳақиқатни билиш; амалий қисмнинг мақсади – саодатга эришишдир. Фалсафий фанлар, Ибн Синонинг фикрича, икки турга бўлинади: биринчиси бизнинг шахсий хатти-ҳаракатимиз билан таништиради ва у “амалий илмлар” деб номланади. Чунки бу билимларнинг фойдаси, биз бу дунёда нажот топишга умид қилишимиз учун, ундаги ишларимиз тартибли бўлиши учун керак бўлади. Иккинчиси эса бизни руҳиятимиз шаклланиши ва бу дунёда баҳтли бўлишимиз учун нарсалар оламининг ҳолатини бизга англатади. Ўз ўрнида тушунириладиган бу илм назарий деб номланади.

## ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, биринчидан, фалсафий таълим - бу умумий маданиятнинг ўзига хос шакли, ўзини ўзи таърифлаш усули, дунёдаги образнинг мантиқийлиги ва муайян маданиятда намоён бўладиган ўзига хос феномен ҳамда инсоннинг жамиятдаги ўрнини баҳолаш усулидир. Фалсафа инсоннинг моҳиятини, борлиққа муносабатини ўрганиш, бошқа фанлар тараққиёти учун методологик йўл кўрсатибгина қолмай, балки инсон тафаккурининг ички имкониятлари ва қирраларини ўрганишга алоҳида эътибор қаратади. Фан эса инсон дунёқарашини шакллантиришда минглаб йиллар давомида юзага келган илмий ва назарий таълимотлардан кенг фойдаланади. Жамият тарихини ўрганиш, истиқболини белгилаш ҳам фалсафий дунёқарашнинг моҳиятига боғлиқдир.

Иккинчидан, фалсафа одамзот тафаккур салоҳиятининг энг умумий тушунчалар, билимлар, хулосалар ва умуман, дунёқараш шаклида намоён бўлишидир. Инсоннинг ўзлигини англаши, ўз моҳиятини руҳий жиҳатдан таҳлил этиши, барча мақсадлари ва улар билан боғлиқ фаолиятини тарих сабоқлари, замон талаблари ва имкониятлари, истиқбол муаммолари билан ўзвий боғлиқ ҳолда ҳамда янги эҳтиёжлар, илмий хулоса ва қадриятларга таяниб йўналтириши, бошқа одамлар билан адолатли муносабатда бўла билишидир. Шу сабабли инсон ўзлигини ва ўзгаларни англаши ҳамда шу асосда борлиққа бўлган муносабатини белгилаши ҳам фалсафий муаммолар тизимиға киради ва унинг энг мураккаб соҳасини ташкил этади.

Учинчидан, фалсафий тафаккур тарзи ва йўналишига таъсир кўрсатадиган маълум даражада ғоявий-назарий ролини ўйнайдиган тасаввурлар мавжудки, улар методологик тамойилларда мужассамлашган. Дарҳақиқат,

фалсафа турли давларда дунёнинг турли мамлакатлардан тўпланган билимларни, тажрибаларнинг якунларини умумлаштиради, яқинлаштиради ва бирлаштиради. Шу асосда фанларнинг яқинлашуви, муаммоларнинг муштараклашуви инсоният илмий ва амалий фаолиятининг кенгайиши учун янги имкониятлар юзага келади.

Тўртинчидан, инсоннинг амалий фаолияти, илм-фаннинг ривожланиши ҳеч қачон фалсафий тафаккурга бўлган эҳтиёжни заифлаштирган, аксинча, яна ҳам кучайтирди. Инсон бу тафаккур орқали ўз моҳияти, жамият, табиат, тафаккур ҳақида тизимли билимлар кўнижасини ҳосил қилиш билан чекланмай, улар асосида илмий тафаккур ривожи, амалий фаолияти учун муҳим бўлган умуний хуносалар чиқаришга ҳам интилади. Оқибатда фан учун янги кашфиётлар дунё юзини кўради. Бу эса фаннинг такрорланмас ютуғидир. Сир эмаски, ҳозирги даврда фалсафа фанига бўлган қараш кескин ўзгариб бормоқда. Ёш авлоднинг, тафаккурини шакллантириш, уларнинг дунёқарашини тарбиялаш уларнинг ўзи ва дунёга муносабати такомиллаштириб бориш бу куннинг долзарб масалалари қаторига киради. Чунки ёш авлод эртанги кунимизнинг давомчисидир.

Бешинчидан, фалсафий фикрлашнинг ўзига хослиги шундаки, бундай фикрлаш рационаллик, ички мувофиқлик, зиддиятсизлик, исботланиш талабаларига бўйсунади. Аввалдан айтиш мумкинки, бу характеристикалар кишиларнинг эмоционал, иродавий, баҳолаш-қадриятли аргументлари билан мос келади. Жамиятимизда олиб борилаётган ҳар бир янгиланиш ишлари бевосита ёки билвосита миллий ғоя ва мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлашга қаратилмоқда. Бу эса, интенсив ривожланиб ва ўзгариб бораётган ижтимоий ҳаётда муҳим аҳамият касб этади.

Шунинг учун ҳам бугунги кунда Шарқ ренессанси даври мутафаккирларининг илмий-фалсафий меросини мукаммал даражада ўрганиш мамлакатимизда фалсафий таълимни ривожлантиришда муҳим асос бўлиб қолади.

## REFERENCES

1. Мирзиёев, Ш.М.(2017). Миллий тараққиёт йўлнимизни қатъият билан давом эттириб янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. Тошкент, Ўзбекистон, 592 б. (Mirziyoev, Sh.M. (2017). We will continue our national development path with determination and bring it to a new level. Tashkent, Uzbekistan, p.592.)

2. Мирзиёев, Ш.М.(2021). Янги Ўзбекистон стратегияси. Тошкент, Ўзбекистон, 464 б (Mirziyoev, Sh.M.(2021). New Uzbekistan strategy. Tashkent, Uzbekistan, p.464.)
3. Каримов, И.А.(2008). Юксак маънавият-енгилмас куч. Тошкент, Маънавият нашриёти, 176 б. (Karimov, I.A. (2008). High spirituality - invincible power. Tashkent, Spirituality publishing house, p.176.)
4. Абу Наср Фаробий.(1993). Фозил одамлар шаҳри. Тошкент, А.Қодирий номидаги ҳалқ мероси нашриёти. (Abu Nasr Farobi. (1993). The city of the Fazil people. Tashkent, Publishing house of national heritage named after A.Kadiyri.)
5. Читтик Уильям.(1995). В поисках скрытого смысла. Суфийский путь любви. Духовное учение Руми. Серия: Ex oriente lux. Перевод с английского и арабского, составление и предисловие М.Т.Степанянц. Москва, НИЦ “Ладомир”, 544 с. (Chittik Wilhelm, K. (1995). In search of hidden meaning. Sufi way of love. The spiritual teachings of Rumi. Seriya: Ex oriente lux. Translation from English and Arabic, compilation and preface by M.T. Stepanyants. Moscow, “Ladomir”, p.544.)
6. Болтаев, М.Н.(2002). Абу Али ибн Сина — великий мыслитель, ученый энциклопедист средневекового Востока. Москва "Сампо", 400 с. (Boltaev, M.N. (2002) Abu Ali ibn Sina - great thinker, an encyclopedist of the srednevekovogo Vostoka. Moscow, Sampo, p.400)
7. Ҳасанов, А.(2001). Қадимги Арабистон ва илк ислом. Жоҳилия асри // Тахрир ҳайъати: Ҳ. Кароматов, Н. Иброҳимов, З. Ҳуснидинов ва бошқ./ Тошкент, Тошкент ислом университети, 256 б. Имомназаров М., Эшмуҳамедова, М.(2001). Миллий маънавиятимиз асослари. (Олий ўкув юртлари учун маъruzalар матни)// Тахрир ҳайъати: Ҳ. Кароматов, Н. Иброҳимов ва бошқ. Тошкент, Тошкент ислом университети, 432 б. (Hasanov, A.(2001). Ancient Arabia and First Islam. Jahiliyya's Age. In: Editorial Review: H. Karomatov, N. Ibrohimov, Z. Husnidinov et al. Tashkent, Tashkent Islamic University, p.256. Imomnazarov M., Eshmuhamedova, M. (2001) Fundamentals of National Mahanism. (Text of lectures for higher education institutions). Editorial note: H. Karomatov, N. Ibrohimov et al. Tashkent, Tashkent Islamic University, p.432.)
8. Сайдаҳмедова А.(2009). Ислом фалсафасида гносеологик масалалар талқини // Фалс. фан. ном. ... дисс. автореф. Тошкент. 28 б. (Saydahmedova, A. (2009). Interpretation of gneseological issues in Islamic philosophy. In: Abstract of the dissertation for the degree of candidate of philosophical sciences. Tashkent, p.28.)

- 
9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Ўзбекистондаги Ислом маданияти маркази фаолиятини ташкил этиш тўғрисида. [http://lex.uz/Pages/GetPdfView.aspx?lact\\_id=3296658](http://lex.uz/Pages/GetPdfView.aspx?lact_id=3296658). (The Decision on the organization of the Islamic Culture Center of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan. [http://lex.uz/Pages/GetPdfView.aspx?lact\\_id=3296658](http://lex.uz/Pages/GetPdfView.aspx?lact_id=3296658).)
10. Qaxxarova, M. (2021). Social-spiritual environment of society and spiritual ideal. Oriental Journal of Social Sciences, 30-36.
11. Saifnazarov, I., Muhtarov, A., Sultonov, T., & Tolibov, A. (2020). Religious tolerance, unity of knowledge and faith issues highlighting in Imam Bukhari Hadiths. International Journal of Advanced Science and Technology
12. Mukhtarov, U. M. (2019). Studying of scientific-philosophical heritage of the East Renaissance intellectuals in development of philosophical education. Theoretical & Applied Science, (7), 120-124.
13. Умаржонов, С. С. (2022). Онтологияда субстансия ва аксиденсияга доир таълимотнинг Фахриддин розий томонидан ривожлантирилиши. Academic Research in Educational Sciences, 3(3), 961–968. <https://doi.org/10.24412/2181-1385-2022-3-961-968>
14. Umarjonov, S.S. (2021). Ijtimoiy – gumanitar fanlarni o‘qitishda Fahriddin Roziyning ontologik qarashlarining o‘rni va ahamiyat. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 1(9), 1029-1038.